

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5111400 – 3.11

2017 йил “ 2 ” 06



ТИЛИ ЎРГАНИЛАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР АДАБИЁТИ
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100 000	–	Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	110 000	–	Педагогика
	120 000	–	Гуманитар фанлар
Таълим йўналишлари:	5111400	–	Хорижий тил ва адабиёти (француз тили)
	5120100	–	Филология ва тилларни ўқитиш (француз тили)
	5120200	–	Таржима назарияси ва амалиёти (француз тили)

Тошкент – 2017

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июлдаги 434-сонли буйруғининг 1-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2017 йил 2 июлдаги 3- сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Ақромов У.Ш. – ЎзДЖТУ, “Француз тили назарияси ва амалиёти” кафедраси катта ўқитувчиси

Такризчилар:

Халлиева Г. – ЎзДЖТУ, “Жаҳон адабиёти ва адабиётшунослик” кафедраси доценти, ф.ф.д.
Ширинова Р.Х. – ЎзМУ, “Француз филологияси ” кафедраси мудири, ф.ф.н., доцент

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил 28 апрелдаги 9 - сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Тили ўрганилаётган мамлакат адабиётини ўрганиш хорижий тиллар бўйича юқори малакали мутахассис тайёрлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Адабиёт халқнинг миллий характерини билишга, тарихи ва маданиятининг ўзига хослигини ўрганишга ёрдам беради. Шу билан бирга у миллат ва элатларнинг яқинлашишига ҳам сабаб бўлади.

Ушбу фан талабаларда француз адабий жараёнининг тарихий ривожланиши ва муҳим ҳодисалари ҳақидаги тасаввурни шакллантиришга қаратилган. Бунинг учун эса жаҳон адабий жараёни ҳақидаги тасаввурни шакллантиришда Оврупа мамлакатлари адабиёти тарихидан келтирилган фактлар ҳам жалб қилинади. Тили ўрганилаётган мамлакат (Франция)нинг адабиёти талабаларга француз тилидаги турли асрларда яратилган бадиий адабиёт билан ишлаш, адабий танқидий материаллар билан танишиш ва таржима соҳасидаги кўникмаларини кенгайтиришга замин яратади. “Тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти” фани умумқасбий фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, 3 курсда ўқитилиши мақсадга мувофиқ.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад талабаларда ижтимоий-маданий, адабиётшунослик соҳаларида билим малака ва кўникмаларни шакллантиришдир.

Ижтимоий-бадиий нутқ компетенция сўзловчининг бирор бир нутқий вазият, коммуникатив мақсад ва сўзловчининг истак-хоҳишидан келиб чиққан ҳолда керакли бадиий шакл, ифода усулини танлаш имконини яратади.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

- бадиий адабиёт воситасида ахлоқнинг миллий хусусиятлари: мамлакатларнинг анъаналари, урф-одатлари, ҳаётий меъёрлари, ижтимоий шарт-шароитлари ва бошқа миллий-маданий хусусиятлари ҳақида **тасаввурга эга бўлиши;**
- адабий йўналишлар, адабий оқимлар, адабий ижод муаммолари ва унсурларини ёритиш, адабий жараёндаги муштараклик ва миллийликни кўрсатиш хусусиятларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
 - талаба бадиий ижодиётни ўрганувчи фан, яъни адабиётшуносликнинг таркибий қисмлари ҳақида тушунчага эга бўлиш;
 - адабиётшуносликнинг мактаб ва йўналишларини англаш;
 - адабий услуб, жанр ва усулларнинг муаммоли масалалари ажратиш;
 - ўрганилаётган (француз) адабиётнинг жаҳон адабиёти контекстидаги ўрни ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

- француз адабиёти тарихи ва назарияси, адабий танқид тўғрисида кенг билимни эгаллай олиш;
- Ўзбекистонда ва хорижий давлатларда француз адабиёти тарихи бўйича нашр қилинган илмий адабиётлар билан ишлаш;
- Оврупа адабиёти анъаналаридан тили ўрганилаётган мамлакат (Франция) адабиётининг миллий хусусиятларини ажрата олиш;
- миллий адабиётларнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсири ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- жаҳон адабиётидаги жараёнларини ўзаро боғлиқлик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;
- тили ўрганилаётган мамлакат (Франция) адабиётининг энг йирик намояндалари ижоди ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- тили ўрганилаётган мамлакат (Франция) адабиётининг замонавий вакиллари ҳаёти ва ижодини чуқур билиш ва бу соҳада мулоҳоза юритиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)

1-Модул. Ўрта асрлар ва Уйғониш даври адабиёти

1-мавзу. Ўрта асрлар адабиёти тарихи

«Ўрта асрлар», «ўрта асрлар маданияти» ва «ўрта асрлар адабиёти» тушунчалари. Ўрта асрлар адабиётини даврлаштириш.

Илк ўрта асрлар маданияти тараққиётидаги икки оқим: лотин тилидаги ёзма адабиёт ва халқ оғзаки ижодиёти.

Лотин тилидаги клерикал (ёзма) адабиёт. Унинг кўп функцияли роли, асосий босқичлари ва жанрларининг тараққиёти, асарларда диний ва дунёвий мазмун уйғунлиги. «Каролинглар уйғониш даври» лотин тилидаги клерикал адабиёт гуллаб-яшнаган давр сифатида. Клерикал адабиётнинг қисман миллий тилларга кўчиши. Лотин тилидаги дидактик дунёвий адабиёт.

Етук ўрта асрлар қаҳрамонлик эпоси. Эпик архаикадан эпик классикага ўтиш. Халқ орасида қаҳрамонлик дostonларининг пайдо бўлиши. Қаҳрамонлик дostonларининг туркумлари.

Француз қаҳрамонлик эпоси, унинг асосий туркумлари. «Ролан ҳақида кўшик» - француз қаҳрамонлик эпосининг буюк ёдгорлиги.

Ўрта асрлар рицар (куртуаз) адабиёти. Янги рицарлик идеалларининг шаклланиши. Салб юришлари. Провансда рицарлик поэзиясининг дунёга келиши. Трубадурлар ишқий ва сиёсий лирикасининг асосий жанрлари ва мотивлари. Трубадурлар шеъриятининг энг машхур вакиллари (Бернар де Вентадорн, Бертран де Борн ва бошқ). Франциянинг шимолида труверлар лирикасининг ўзига хос хусусиятлари.

Рицар романининг пайдо бўлиши, унинг ўзига хос жанр хусусиятлари ва эволюцияси. Романларда бадий замон ва макон хусусиятлари. Романларнинг туркумлари, «Бретон» туркумида кельт ривоятлари: «лэ» ва “экземплюм” жанрлари. «Тристан ва Изольда». Кретьен де Труа романлари.

Ўрта асрлар шаҳар адабиёти. Шаҳар адабиётининг асосий жанрлари. Фаблюлар ва уларнинг халқ ижодиёти билан алоқаси.

Ўрта асрлар драмасининг ривожланиш йўллари. Диний драма. Диний-дунёвий жанр-моралите. Халқ театри. Адам де ля Аль ижоди.

2-мавзу. Уйғониш даври адабиёти

XV-XVI асрлар Ғарбий Оврупа тарихида буюк ўзгаришлар даври сифатида. Янги гуманистик маданиятнинг шаклланиши. Шахснинг ҳар томонлама ва эркин ривожланиши, индивидуализм, критицизм, инсон билимларининг чексизлигига ишонч – ренессанс гуманистик дунёқарашининг муҳим хусусиятлари сифатида. Уйғониш даври санъати ва адабиётида турли ғоявий ва бадий йўналишлар. Уйғониш даври санъатида реалистик бадий услубнинг шаклланиши. Уйғониш даври реализмининг ўзига хос хусусиятлари.

Францияда уйғониш даври. Франция гуманизмининг ўзига хос хусусиятлари. Ф.Вийон шеърияти. Наварралик Маргарита ижоди. Ф.Рабле – француз гуманистик адабиётининг энг йирик вакили сифатида. «Плеяда» гуруҳи шоирлари. Француз гуманизмининг инқирози ва унинг Монтень ва А. Додени ижодида акс этиши.

2-Модул. XVII- XVIII асрлар адабиёти

3-мавзу. XVII асрнинг тарихий ва маданий ўзига хос адабий хусусиятлари.

XVII аср адабиёти. XVII асрнинг тарихий ва маданий ўзига хос адабий хусусиятлари. XVII аср фалсафий назарияларида дунё ва инсонга бўлган янги қарашлар ва уларнинг XVII аср санъат ва адабиётида асосий йўналишлар бўлмиш реализм, классицизм ва бароккода акс этиши.

XVII аср француз адабиётининг умумий хусусиятлари. Адабий йўналишлар кураши ва XVII асрнинг турли босқичларида уларнинг ўзаро муносабатлари. XVII асрнинг бошида барокко. Юрфенинг «Астрел» романи. Сент Аман лирикаси. Арди драматургияси. Вуатюр шеърияти. Мадлен ва Скюдери романлари. Рамбуйе салони ва унинг Франциядаги адабий жараёнга кўрсатган таъсири. Француз «хурфикр»ларининг дунёқараш ва бадий услубияти, уларнинг реализм тараққиётидаги илк босқич вакили

эканлиги. Шарль Сорель, Поль Скаррон, Фюретьер, Сирано де Бержерак ижоди. XVII аср француз адабиётида утопия жанри.

4-мавзу. Классицизм XVII аср француз адабиётида етакчи йўналиш сифатида.

Илк француз классицизм адабиётининг вакиллари - Малерб ва Матюрен Ранье ижоди. Малерб ижодининг ўзига хос хусусиятлари. Декарт ва Гассендиларнинг фалсафаси. Йирик француз классицист-ёзувчиларининг ижоди. Классицистик драматургия. Корнель ижоди. Расин ижоди. Прадон ижоди. Мольер ижоди. Мольер ўзбек тилида. Лафонтен. Лафонтен ва ўзбек масалчилиги. Буало ижоди. Ларошфуко «Максимлар»-афоризмлар китобининг XVII аср француз адабиёти учун аҳамияти. Лафайет ижоди. «Клев маликаси» романи. Лабрюйернинг «Характерлар ёки асримиз одамлари» китобида воқеликни акс эттиришдаги ўзига хослик.

5-мавзу. XVIII аср маърифатпарварлик даври адабиёти

Ғарбий Оврупа мамлакатларидаги тарихий, ижтимоий-сиёсий ҳолат. Ғарбий Оврупа маърифатпарварлигининг аҳамияти. XVIII асрда фалсафий оқимлар. Маърифатпарварлик эстетикасида рационалистик ва реалистик йўналишлар. Маърифатпарварлик ҳаракати таркибидаги адабий оқимлар (классицизм, реализм, сентиментализм). Маърифатпарварлик ҳаракати ривождаги асосий босқичлар. Маърифатпарварлар реализмининг кудрати; маърифатпарварларнинг инсон ва муҳит ҳақидаги таълимоти. Ижобий идеал ва унинг адабиётда бадиий аксланиши. Сентиментализм ва предромантизм масаласи. Аср сўнггидаги адабий оқимлар.

Монтескьенинг «Қонунлар руҳи» асаридаги етакчи ғоялар. “Форс номалари” романида маърифатпарварлик ғояларининг акс этиши. Вольтер ижоди. Вольтер Марказий Осиё ҳақида. “Задиг ёки тақдир” қиссасида инсон ва табиат тасвири. Дени Дидро ва энциклопедиячилар (К.А.Гельвеций, П.А.Гольбах ва Ж.Л.Даламбер). Ж.Ж.Руссо- сентиментализм адабиётининг энг йирик вакили сифатида. Бернарден де Сен-Пьер ижоди, “Поль ва Виргиния” романининг маънавий-маърифий хусусиятлари. Бомарше ижоди.

3-Модул. XIX -XX асрлар адабиёти
6-мавзу. XIX асрнинг асосий тарихий воқеалари ва адабий
жараёнидаги ўрни

1789-1910 йиллар адабиёти. XVIII аср охири француз буржуа-демократик инқилобининг аҳамияти.

XIX асрнинг асосий тарихий воқеалари ва уларнинг Франция ижтимоий ҳаёти ва адабий жараёнидаги ўрни. Тарихий-адабий жараённинг даврларга бўлиниши:

1-босқич: 1789-1850-йиллар; 2-босқич: 1850-1910 йиллар.

Романтизм ва реализм мазкур давр адабиётларидаги асосий ижодий метод сифатида. Романтизм ва реализм ривожланишининг асосий қонуниятлари.

1789-1850 йиллар адабиёти. Романтизм. «Романтизм» терминининг турли маънолари. Романтизм ижодий услуби муаммолари. Романтизмнинг фалсафий асослари. Романтизм эстетикаси хусусиятлари. Романтизмда қаҳрамон муаммоси. Романтизмдаги йўқотилган иллюзиялар мавзусининг манбалари. Романтизмнинг классик ва маърифатпарварлик эстетикаси тамойиллари билан кураши ва ўзаро алоқаси. Романтиклар томонидан бадиий тасвир воситаларининг кенгайтирилиши. Романтик тарих талқини. Романтизмда типиклаштириш тамойили. Романтизм ва фольклор. Романтизмни даврларга бўлиш масаласи.

7-мавзу. XVIII-XIX асрлар бўсағасида француз романтизми
манбалари.

Шатобриан, унинг француз адабиётидаги ўрни. Империя даври француз адабиётидаги йўналишлар. Ж де Сталь хоним ижодкор ва санъат назариётчиси сифатида. Б.Констан ижоди. Реставрация даври адабий жараёни. Ламартин ижоди. Ламартиннинг буюк шахслар ҳақидаги тарихий очерклари («Civilisateur»). Ш.Нодье ижоди. Илғор француз адибларининг классицизм ақидаларига қарши курашининг ижтимоий ва эстетик маъноси. Стендалнинг «Расин ва Шекспир» трактатининг реалистик эстетик шаклланишидаги ўрни. А.де Виньи ижоди. П.Ж.Беранже ижоди.

В.Гюго ижоди, унинг даврларга бўлиниши. Гюго ва Шарқ. Гюго асарлари Ўзбекистонда.

1830 йиллардан олдин француз адабиётида реалистик йўналишнинг шаклланиши ва ривожланиши. Стендаль, Бальзак ва Мерименинг адабиётга кириб келиши. Стендаль ижоди. Стендаль ва романтизм эстетикаси. Стендаль асарлари Ўзбекистонда. Бальзак. Ижодининг даврларга бўлиниши. Бальзак эстетикаси. Ижодий-услубий хусусиятлари. Бальзак-новеллист.

Бальзак-романнавис. Бальзак ва ўзбек адабиёти. П.Мериме ижоди. Мериме ва жаҳон адабиёти. Мериме («Иллирия кўшиқлари тўплами») ва Пушкин («Ғарбий славянлар кўшиқлари»). Мериме ва ўзбек адабиёти.

8-мавзу. XIX аср Францияда ижтимоий-сиёсий ва эстетик шароит.

1850-1910 йиллар адабиёти. Реализмнинг фалсафий асослари. Романтизм эстетикаси билан узвий боғлиқлик. XIX асрда реализм тараққиёти босқичлари. Реализм ва натурализм. XIX асрнинг 70-90 йилларида декаданс. Декаданс ва романтизм. Натурализм, импрессионизм, символизм ва декаданс. Романтизм янги шароитларда. Неоромантизм муаммоси.

Романтизм. Мюссе ижоди. Жорж Санд ижоди. Т.Готье ижоди. Дюранти ва Шанфлери ижоди. Жюль Верн романлари. Ш.де Бодлер ижоди. Г.Флобер ижоди, фалсафий ва эстетик қарашлари.

9-мавзу. XIX аср охири француз романтизми ва реализми.

А.Доде ижоди. Аср охири француз театри. Э.Ростан романтизми. «Сирано де Бержерак». Антуаннинг «Мустақил театри». Ги де Мопассан ижоди. Флобер ва Мопассан - икки норманд адиби. Мопассан ижодида унсурнинг рамзийлиги. Мопассан ижодида аксилқаҳрамон («Азизим»). Мопассан - Оврупа новелласи реформатори. Мопассан ва жаҳон адабиёти. Мопассан ва ўзбек адабиёти.

Э.Золянинг ижодий йўли. Золя ижодий услубида натурализм ва реализм муносабати. Романлар туркуми концепцияси («Ругон-Маккарлар»). «Уч шаҳар» трилогияси. Золя новеллистикаси. Золя ва ўзбек адабиёти.

XIX аср охири француз адабиётида натурализм ва реализм муносабати. Ака-ука Ж. ва Э.Гонкурлар ижоди. Гюисман ижоди ва натурализм инқирози. XIX аср охири - XX аср боши Ғарбий Оврупа романи эстетикаси учун француз натурализи аҳамияти.

Француз санъатида импрессионизм ва символизм масаласи. XIX аср охири француз шеърияти. Верлен ва Рембо ижоди. Малларме ва Морэас символизм поэзиясининг эстетик тамойиллари ҳақида. Символизмнинг адабий йўналиш сифатидаги инқирози. Л.Клодел ижоди. А.Франс ижоди. Франс сатираси.

4-Модул. XX аср ва замонавий француз адабиёти

10-мавзу. Жаҳон ижтимоий - сиёсий тараққиёти ва бадиий адабиёт.

XX аср-икки жаҳон уруши асри, дунё харитасидаги кучли геополитик ўзгаришлар даври. Жаҳон ижтимоий - сиёсий тараққиёти ва бадиий адабиёт. XX аср адабиётини даврларга бўлиш: I давр - 1910-1945-йиллар: 2 давр – 1945-1990 йиллар. XX аср адабиётидаги асосий оқимлар - реализм ва модернизм.

1910-1945 йиллар адабиёти. XX аср боши француз адабиётида авангардизм. А.Жид ва унинг модернизм тараққиётидаги ўрни. Мальро ижоди, унинг дастлабки романларида абсурд одам образи. Г.Аполлинер ижоди. Аполлинер ва сюрреализм («Каллиграммалар»). Лирик шеърлар. Халқ фронти ва шеърият (Ж.Превьер).

Биринчи жаҳон уруши ва француз адабиёти. Р.Радиге ижоди. «Шайтон йўлдан урганда» ва «Граф Оржель зиёфати» романлари. Р.Радиге ва Жан Кокто. А.Барбюс. Бергсон фалсафаси ва француз адабиёти.

XX аср боши француз романида реализм. «Унанимистлар» фаолиятининг бошланиши (Э.Даби, Дюамель, Ромен, Ш.Вильдрак). Р.Роллан ижоди. Роллан ижодида романтизм ва реализм. «Жан Кристоф» роман-эпопеяси, қаҳрамон концепцияси. «Кола Брюньон» романи ва унинг Р.Роллан ижодидаги ўрни.

М.Пруст ижоди ва 20-йиллар адабиёти. Р.Мартен дю Гарнинг «Тибо оиласи» асари ва оилавий романдаги ўзгаришлар. Ижтимоий эпопеянинг вужудга келиши.

Ф.Мориак ижоди. Унинг психологик романлари. «Илонлар чангалида» романи. А.де Сент-Экзюпери прозаси ва публицистикаси. Адиб гуманизми. «Кичик шахзода» асари. Драматургияда сатирик ақидалар, «Афсонавий театр» (Ж.Жироду).

11-мавзу. 1945-1990 йиллар адабиёти.

Урушдан кейинги тарихий ривожланиш босқичлари ва адабий жараён. Қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг адабиётга таъсири, бадиий адабиётда уруш мавзуси. Модернизмнинг кучайиши. Француз экзистенциализми. Ж.П.Сартр фалсафаси ва эстетикаси. Адиб романлари жанри, уларда шахс муаммоси. А.Камю ижоди. «Бегона» ва «Вабо» романлари, уларнинг услуби ва жанри, қаҳрамон муаммоси. Иккинчи жаҳон уруши даври француз адабиёти. Қаршилик кўрсатиш ҳаракати адабиёти. Арагоннинг ватанпарварлик мавзусидаги шеърлари. П.Элюар ижоди.

Антидрама; Ионеско фарслари, С.Беккет театрида фонийлик образи, А.Адамов драматургияси. Антироман, назария ва амалиёт; Роб-Грийе, Н.Саррот ва К.Симон романлари. 70-80-йиллар модернизми, унинг такрорий моҳияти. Қаҳрамонона қаршилик кўрсатиш ҳаракати мавзуси ва адиблар

ижодида урушдан кейинги воқелик тасвири. Ҳарбий романларнинг фалсафий (Веркор), ҳужжатли (Мерль), ижтимоий-маиший (Лану) жанрлари, адабий анъананинг аҳамияти (А.Ланунинг Золя ва Мопассан ҳақидаги китоблари). 60-70-йиллар романларида истеъмолчилик жамияти мавзуси.

12-мавзу: Замонавий француз адабиёти

Замонавий француз адабиётида жанрлар, оқимлар ва мавзулар кўлами. Р.Мерль романлари, ёш авлод норозилиги мавзуси («Ойна ортида»), утопизм ва фантастика хусусиятлари («Онгли махлук» ва «Мадрапур» романлари). Мозийга (М.Юрсенар) ва яқин ўтмишга (П.Модиано) мурожаат, неоромантик (Ж.М.Г.Леклезю) ва рамзий (П.Флетьо) ғоялар. 80-90-йиллар адабиётида детектив роман равнақи (С.Жапризо, Р.Беллетто ва бошқалар). Фредерик Бегбедер ва Мишел Уэльбек ижоди. Ж.М.Г.Леклезю ижоди. Милена Нокович ва унинг «Самарқанд узра олтин ёмғир» романида тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима.

IV. Семинар машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотлари маъруза мавзуларига боғланган ҳолда, талабаларнинг билим ва кўникмаларини янада ривожлантириш, ёзувчилар ижоди билан таништириш, ғоя, образ, ўртасидаги боғлиқликларни, ғоявий эстетик кадриятларни кўрсата олиш хусусиятларини ривожлантиришдир.

Семинар машғулотлари учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Ўрта асрлар француз адабиёти. Халқ оғзаки адабиёти. Француз қаҳрамонлик эпоси.
2. Рицарлик адабиёти. Рицарлик романлари. Шаҳар адабиёти. Трубадурлар лирикаси.
3. Уйғониш даври француз адабиётида гуманизм.
4. Классицизм-ХVII аср француз адабиётида етакчи йўналиш сифатида.
5. Маърифатпарварлик даври француз адабиёти.
6. XIX аср француз адабиёти. Романтизм.
7. XIX аср француз адабиёти. Реализм.
8. XIX аср охири - XX аср бошида француз адабиёти. Реализм, натурализм, модернизм.
9. XX асрнинг биринчи ярми адабиёти.
10. XX аср француз адабиётида экзистенциализм.
11. Янги драма ва янги роман.
12. XX асрнинг иккинчи ярми адабиёти.
13. XX аср фалсафий романи.
14. XX аср тарихий романи.
15. XX аср маиший-ижтимоий романи

16. Замонавий француз адабиёти.

Семинар машғулотлар мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудиторияда ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

- Трубадурлар лирикаси ва унинг асосий жанрлари.
- Француз халқ қаҳрамонлик эпоси.
- Француз уйғониш даври адабиёти.
- Француз классицизм санъатининг ижтимоий ва фалсафий асослари.
- Француз адиблари ижодида Шарқ мавзуси.
- Ж.Б.Мольер – француз миллий театри асосчиси.
- Ижодий методларнинг шаклланишида француз адабиёти вакиллариининг ўрни ва роли.
- Эстетик қарашларининг асосий белгилари.
- Малерб бадиий системасининг миллий ўзига хослиги.
- Декарт ва Гассендиларнинг фалсафаси.
- Энг йирик француз классицист-ёзувчиларининг ижоди.
- Классицистик драматургия ривожланишидаги биринчи босқич.
- Корнель ижодининг даврлаштирилиши.
- Корнелнинг илк комедиялари ва уларнинг XVII аср бошидаги француз театри учун ахамияти.
- "Сид" асари - Корнелнинг илк классицистик трагедияси.
- "Сид"нинг фожеавий коллизияси ва унинг хал этилиши.
- "Сид" трагедиясида услубият масаласи.
- "Сид" ва классицистик назария.
- "Сид" атрофидаги бахслар ва Корнелнинг кейинги ижоди.
- "Гораций" трагедиясида ижтимоий ва маънавий зиддиятларнинг бадиий ифодаланиши.
- "Гораций" ва классицистик назария.
- Корнель ижодида Рим мавзуси ва "рим" характери.
- "Цинна ёки Август марҳамати" трагедиясида "инсон ва давлат" мавзуининг давоми.
- Август образи ва психологик талкин маҳорати.
- "Полиевк" ва христиан трагедияси жанри.
- "Родагунда" Корнелнинг иккинчи усул трагедияси сифатида.
- "Никомед" трагедиясида фожеавий конфликт.
- Корнелнинг трагедия жанридаги новаторлиги.
- Корнель-театр назарийтчиси.

- Корнель трагедияларининг услубий ўзига хослиги.
- XVIII-XX асрлар француз театрида Корнель анъаналари.
- Корнель ва барокко.
- Расин. Расин ижодининг даврлаштирилиши.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

Фан бўйича курс иши. Курс иши фан мавзуларига тааллуқли масалалар юзасидан талабаларга яқка тартибда тегишли топшириқ шаклида берилади. Курс ишининг ҳажми, расмийлаштириш шакли, баҳолаш мезонлари ишчи фан дастурида ва тегишли кафедра томонидан белгиланади. Курс ишини бажариш талабаларда фанга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилиши керак.

Курс лойиҳасининг мақсади талабаларнинг мустақил ишлаш қобилиятини ривожлантириш, олган назарий билимларини қўллашда амалий кўникмаларни ҳосил қилиш. Уларда илмий ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш, мавзудан келиб чиқиб даврлаштириш, эркин фикрлашга дарслик ва ўқув қўлланмаларидан ижодий фойдаланишга, бадиий асарларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилишга ўргатиш.

Курс иши учун тахминий мавзулар:

1. Вольтер ижодида Темур ва темурийлар образлари талқини.
2. Э.Золя -- француз натурализмининг асосчиси.
3. Ф.Рабле ижодида тарбия масаласи.
4. Ж.Б.Мольер ижодида халқчиллик масаласи.
5. В.Гюго – шоир ва драматург.
6. М.Наваррскаянинг «Хептамерон» асарида романтизмдан реализмга ўтиш.
7. Ж.Ж.Руссо – сентиментализм асосчиси.
8. Француз адабиётида романтизм.
9. XVII аср француз адабиётида «утопия» жанри.
10. П.Корньел ва француз классицистик драматургияси.
11. Лафонтен ижодида масал жанри.
12. Стендаль ижоди.
13. Бальзак ижоди.
14. Мериме ижоди.
15. Мопассан ижоди.
16. Р.Роллан ижоди.
17. Р.Беллетто ижоди.
18. П.Модиано ижоди.
19. Р.Мерль ижоди.
20. Леклезьо ижоди.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. Braudeau M., Proguidis L., Salgas J-P., Viart D. Le roman français contemporain. Paris, adpf, 2006.
2. Еремеев Л.А. Французская литература. К., 1991.
3. Зарубежная литература XX века. Изд. 2, дополненное. М., 2003.
4. Гребенникова Н.С. Зарубежная литература XX века. М., 1999.

Қўшимча адабиётлар

5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
9. Зарубежная литература второго тысячелетия.1000-2000. Ред. Андреев Л.Г. - М., 2001.
10. Адабиётшунослик терминларининг қисқача русча-ўзбекча луғати. - Т., 1975.
11. Борисова И.Ф., Эрматов Б.С. O’rta asrlar G’arbiy Ovrupo adabiyotlari taraqqiyotining zamonaviy talqinlari. -Т.: Университет, 2005.
12. Oumbarov N., Soatjonov I. Histoire de la littérature française. Т., 2002.
13. Зарубежная литература второго тысячелетия.1000-2000. Ред. Андреев Л.Г. М., 2001.
14. Пьеро Ш. Она G’oz ertaklari. Т., 2001.
15. Саган Ф. Кўлмакда акс этган куёш шуъласи. Т., 2003.

Интернет сайтлари

16. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.
17. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
18. www.granddictionnaire.com
19. www.francophonnie.hachette-livre.com

20. www.portail.lettres.net
21. www.citationsdumonde.com
22. www.pedagog.uz
23. www.Ziyonet.uz
24. www.edu.uz
25. www.nutq.intal.uz

